



ГЎДАКЛАР НАФАҚАСИНИ "ТУЯ" ҚИЛГАН БОШ ВАЗИР

Ирригация институти, туман ва вилоятлар ҳокимликларидаги даврида “от ўйини” кўрсатган Ш.Мирзиёев бош вазир лавозимига келганидан сўнг “туя ўйини”ни бошлаб юборганлигини кўпчилик жуда яхши билади.

Бу шунқор-шоввоз бозорларга ўт қўйишда, бутун мамлакат миқёсидаги йирик завод-у фабрикаларни йўқ қилишда, ҳамда ундаги усқунларни талон-тарож этишда, Тошкентни яшилкент қилиб турган қанчадан-қанча дарахларни умрига зомин бўлиб ҳукумат раҳбари сифатида жуда катта “ўрناق” кўрсатди.

Бундан кейинги “хунар”лари унинг шавкатли эмас, балки нечоғлик абжир ва ўта шафқатсиз эканлигига ёрқин мисол бўла олади.

У шундай қилиб мамлакат тарихида содир бўлмаган “оламшумул” амалиётга қўл урди. Яъни янги туғилган чақалоқларга икки йил давомида давлат томонидан шу пайтгача узлуксиз тўланиб келинаётган нафақанинг берилишига нукта қўйди. Бундай амалиёти билан ҳукумат раҳбари ота-она ўлганининг кунидан бўлса-да, бир гўдакка сут пулини ернинг тагидан-да топиб беришади-амаллашади, қабилида иш тутди.

Шундоқ ҳам хаттоки ўз ойлик маошини гоҳ на нақдида ва на гоҳ пластик карточкасига тушира олмасдан оввора-ю сарсонни чиқиб юрганларининг холи-дили вайрон бўлганди. Нега деганда ишчи-ходимлар бир-икки, олти ойлаб хаттоки йиллаб ишлаган маошини ололмасдан юрган қалтис вазият вужудга келиб қолганди. Тўғриси айтиш керакки, ўша пайтда болалар нафақаси ўз вақтидан у қадар ҳам кечиктирилмасдан берилиши оилар-рўзгор ишига яраб қолган кунлари ҳам бўлган.

Шу даврга қадар гўдаклар ҳаққи дея истиҳолагами борилиб имкон қадар ушбу пулни ўз замонида берилишига ҳаракат қилинарди. Буни ишлаб юрганлар жуда яхши билишади.

Ш.Мирзиёевнинг бош вазирлик даврига келиб эса уялиш, истиҳола қилиш, гўдаклар ҳақидан кўрқиб у ёқда турсин, улар лўқмасига хиёнат қилишгача бориб етилди.

Болалар нафақасини тўхталишининг усул-услугига бир эътибор қилинг. Дастлаб бу турдаги маблағни гўёки ишхоналарнинг ҳисобидан бериладиганга ўтишди. Ўз-ўзидан савол туғилади. Ташкилотларнинг ҳам аҳволи барчага маълум-у машхур бўлиб турган бир маҳалда ва ўз ишчи-

хизматчисига ишлаган маошини ҳақини беролмаётган иш жойи қандай қилиб гўдакларга сут пулини бера олсин.

Ташкилот муассаса, идоралар ҳам ушбу маблағни беришни эплай олмаганидан сўнг эса ушбу нафақани бериш иши маҳаллалар зиммасига юкланадиган бўлди.

Маҳаллага борсанг ишлайдиган жойингдан қанча ойлик маош олишинг ҳақидаги маълумот талаб қилина бошланди.

Олинган маош ҳам оила бошига қанчадир миқдордан ошиб кетадиган бўлса болалар пули берилмасмиш.

Ахир, ҳар бир соҳа эгаси ўз малака ва лавозим даражасига кўра маош олиши мумкинлиги, ким кўпроқ ва самаралироқ ишлайдиган бўлса унинг оладиган ойлиги ўз-ўзидан юқори бўлиши табиий эканлиги мутлақо назардан четда қолиб кетди.

Қолаверса, кам таъминланган оилаларга шундоғига ҳам қўшимча ёрдам пули берилиши кераклиги кўзда тутилган алоҳида ҳуқуқий ҳужжат ҳам мавжуд. Майли юқори маошлилар-ку ушбу нафақаларга куни қолмагандир.

Аммо Ш.Мирзиёевнинг “от ўйини”дан бу қадар “туя ўйини”га ўтиши натижасида на кам таъминланган оилалар ва на икки ёшгача гўдаги учун олиниши лозим бўлган сут пулини ҳам ололмай сарсон бўлиб юрганлар сони оша бошлади.

Энг қизиғи ушбу нафақани олиш учун пора талаб қилинаётганлиги билан боғлиқ гап-сўзлар ўша пайтларда бошланган эди. Бу ҳолат ҳалигача давом этаётганлигини тасдиқловчи хабар яқиндагина (“Озодлик” радиосига 29 декабр 2016 йил юборилган телеграммда ҳам) ижтимоий тармоқ орқали ҳам тарқатилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Собиқ бош вазир ушбу лавозимда ишлаб турган вақтида бу жабҳада ана шундай кишининг ақлига сиғиши мумкин бўлмаган носоғлом муҳитни яратди. Ана сизга миллат, халқнинг соғлом авлоди учун кўрсатилган “ҒАМХҲҲ”нинг юксак намунаси.

Энди энг шармандали жойи шундаки, бу Шавкат Мирзиёев деган йирик ЎПҚОН худди ўша болалар нафақасини каттагина миллиардлаган қисмини нақдлаштириб олиб уни давлат курси бўйича долларга айлантирганлиги билан гап-сўзлар бутун мамлакат бўйлаб урчий бошлади.

Ушбу каззоблик-ўғрилик ўз куёвлари томонидан амалга оширилганлиги боис сир фош бўлиб қолиб куёвларидан бириси Россияга қочиб кетиб ўша ерда яшаб юришга мажбур бўлганлигини бутун жамоатчилик билиб бўлганди.

Шунинг учун ҳам худди шу “сделка” юзасидан келишмовчилик юз бериб ўша пайтдаги ўзининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов билан иккисининг ўртасида оламушук ўтиб қолганлигида ҳам гап бор эди.

Бугунги кунда ҳукумат таркибидаги биринчи

ўринбосарликнинг унга раво кўрилмаганлигининг ҳам сабаби шундан бўлса ажаб эмас.

Айни пайтда унинг ўрнига биринчи ўринбосарликка тайинланган Очилбой Раматов эса “лаббай”чилардан ва у ҳеч қачон юқорида қайд этилгани каби талон-тарожликлар содир этиладиган бўлса ҳеч маҳал ўз раҳбарига тутун қайтара олмайдиганлардан. Қисқача айтганда кўйдаин ювош.

Хўш, бу ГҲДАКЛАР СУТ ПУЛИ ҳисобидан келган шунча миллиардлар ва у долларга айлантирилганидан кейинги маблағлар қаяққа кетди-ю ва асосан нималарга сарфланган, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Маълум бўлишича, унинг жуда каттагина қисми энг олғир куёви томонидан туя қилиниб Россияга қараб равона бўлган.

Яна бир қисми эса Мирзиёев ўзининг сулоласи учун курдирган уйлар бутун бир маҳалла тусини олиб “мини шаҳарча” барпо этиш учун сарфланган.

Яна қайси манзилдан денг, яна болалар нафақасини ўмаргани камлик қилганидай Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги айнан яна шу болалар паркиннинг деярли ярим ҳудудидан кўпроқ ерини ўзлаштириб олиш ҳисобига амалга оширилган қурилиш ишларидир.

Бу болалар парки советлар

даврида Валя Котик, мустақиллик йилларида эса Зафар Диёр деб номланадиган бўлганди.

Энди эса Мирзиёевлар сулоласи “ДИЁРИ”га айлантирилди.

Бу ишлар Шавкат Мирзиёевнинг бош вазир бўлиб юрган маҳалдаги амалга оширган юздан-мингдан бир ўмарувчилик ишларидан бир шингил, бир кўриниш, холос.

Шундай қилиб, собиқ бош вазирнинг “шижоатли ва шарофатли” саъй-ҳаракатлари боис ҳеч бўлмаганда давлат томонидан ўз вақтида бериладиган маблағ тўхтатилиб “туя” қилинаркан, БОЛАЛАЛАР НАФАҚАСИЗ қолишди.

Ҳали талабалар шаҳарчасининг собиқ ҳоқими Рўзимурод Чориев деган бир абжир билан ҳамкорликда амалга оширган йирик “Сделка”ларига-ку “гап йўқ” деб юборишингиз ҳеч гап эмас. Майли, бу алоҳида мавзу. Бу борада бироз кейинрок...

Гўдаклар ҳақидан ҳам кўрқмайдиган бу кимсанинг бу қадар очлигига оид мисолларни кўз олдингиздан кечираркансиз бугунги кунда унинг измида қолаётган бутун Ўзбекистоннинг бундан кейинги аҳволи ва келажаги нима билан тугагини тасаввур қилиш қийин эмас.

Кескин Оташ

Сурхондарёда янги бўлган вилоят ҳокимини топшириғига асосан давлат органи ва тадбиркорларни ойлик маошини бердирмаяпти.

Банкдан талаб қилаётганмиш, фақат комунал тўловлари қарзи йўқ деган маълумотнома тақдим қилганларгагина ойлик маоши берилармиш.

Лекин шундайига ҳам ўқитувчилардан ҳар ой газ, свет ва сув учун ойлигидан ушлаб қолинар эди. Ҳаммадан янги йил арафаси қарзи йўқ деган маълумотномани сўралгани учун газ, свет ва сув ташкилотларида 4-5 кундан бери навбатда туриб ур-йикит бўлиб, маълумотномани ишга боролмай, ололмай қийинчилик туғдирмоқда.

Ҳамма одамлар Ш. Мирзиёев жанобу олийларини Ўзбекистонга Президент бўлиб олгандан кейин шу олдинги нағмалар яна бошланаётганидан жуда хафа бўлишяпти.

Солиқ қўмиталари инспекторлари яна тадбиркорлардан кунлик нақт



ҲОКИМ ЯНГИ, ЗУЛМ ЭСКИ

пулини сунъий кўтаришини талаб қилишяпти.

Акс ҳолда тафтиш ташлаб буйруқ билан келишини дўқ қилишяпти, дейди бир Сурхондарёлик тадбиркор.

Сурхондарё вилоят ҳокимини оғзаки буйруғи билан Қишлоқ Қурилиш Инжинеринг Компанияси қишлоқларда уй қурган қурувчи тадбиркорлардан бир миллион сўмдан пулини кимки “Болалар спортига” ташласа, ўшалар ишчиларига ойлик олиш учун

пулини олиши мумкинлигини айтилди ва тадбиркорлар 1-2 кундан кейин ишчиларга қилинган иши учун пул тўлаш учун рози бўлишди.

Рози бўлмаганлар ҳалигача пул олгани йўқ.

Вилоят ҳокимияти инжинеринг компанияси яни мактаблар, боғчалар, коллежлар ва ҳоказо давлат объектлари қурувчи тадбиркорлардан беш миллион сўмгача пулини қайси бири “Болалар спорти”га пул берса, шугина ташкилотлар ишини бажарганлиги учун пул олишини ҳам назорат остига олиб утрибди.

Мактабларда ҳатто 1-синф ўқувчиларидан металллом ёки пулини бериб тўлатишмоқда.

Оддий театрга 3500 сўм мажбурий тарзда тўлатилмоқда.

Ундан ташқари янги йилга ўйнаш учун репетиторга 6000 сўм, кийим кечақлари учун ҳам 100 000 сўмдан мажбурий йиғиштириляпти.

ЎХХ таҳририятига келган мактуб

Чиқиш визаси бу – фақатгина Ўзбекистон ва Шимолий Корея фуқароларининг чет элга чиқиш йўлига қўйилган ва ошиб ўтиши керак бўлган, тўсиқдир. Расмий номланиши – рухсатнома стикери. Икки йил амал қилади, у бўлмаса фақат тўққизта собиқ иттифоқ мамлакатларига бориш мумкин. Бошқа давлат ва худудларга стикерсиз боришнинг иложи йўқ. Уни ҳамма ҳам ололмайди, бу ҳақда “Фарғона” бир неча марта ёзган. Айримларга ҳар хил сабабларга кўра рад этишади, аниқ тушунтириб ҳам ўтиришмайди, бошқалар эса керакли справкалар, анкета ва характеристикаларни йиғиб, топширишни удалай олмайди. Бизнинг муштариймиз шу асосий босқичдан ўта олди – бир неча кун ва 145 минг сўм (“қора бозор” курси бўйича \$22) сарфлади. У ҳужжат топшириш қандай бўлгани ҳақида сўзлаб берди.

“Ваниҳоят мен “Чиқиш визасига ҳужжат топшир” деб номланган кўп босқичли квестдан ўтдим. Бу сизга қандайдир Machinagium эмас, ўйлаб-ўйлаб кейинги босқичга ўтиб бўлмайди. Бу умуман мантқиққа зид квест бўлиб, унда олдиндан билиб бўлмайдиган вазифалар, доим ўзгариб турадиган омиллар ва тушунарсиз ривожланадиган сюжет бор. Бирданига маҳалладан навбатдаги справка керак бўладими ёки домкомдан иккита қўшни имзо қўйган характеристика керак бўладими, билмайсан. Ўйинларда қийинлик даражасини танлаш мумкин. Меники аввалдан hard (қийин) қилиб белгиланган, чунки мен 35 ёшга кирмаган қизман.

Риторик саволларнинг биринчи порцияси

Квестнинг бошланғич иккита босқичини менинг ўрнимга онам ўтди: ўтган ҳафтада менинг паспортим билан ЗАГСга бориб, мен никоҳда эмаслигим ва бўлмаганим ҳақидаги 71-шаклни буюртма берди, кейин олиб келди. Унда қўшимча босқич ҳам бор экан: биринчи марта справка олиш учун шанба куни, 3 декабрда борди, президент сайлови олдиан ЗАГС справка бермас экан. Буларнинг нима алоқаси борлиги тушунарсиз, аммо бунақа саволларни тизим кўрмайди ва эшитмайди.

Аввалига онамга справка беришни хоҳлашмаган, ўзим боришимни сўрашган. Балки шу пайтгача турмушга чиқмаганим учун, қанчалик хунуклигимни



Ўзбекистонда чиқиш визаси қандай олинади

кўрмоқчи бўлишгандир. Аммо онам справкани барибир олди. Харажати – беш минг сўм атрофидаги йўқира холос (расмий курсда \$1 – 3217 сўм, ҳақиқийсида – 6580 сўм).

Учинчи босқичга кеча эрталаб бордик – онамнинг номидан менинг хорижга чиқишимга нотариал рухсатнома олдик. Бу 35 дан ёш кизлар учун махсус босқичдир. Мен 12 йилдан бери ота-онамсиз, бошқа шаҳарда яшаётганимнинг аҳамияти йўқ – давлатга қизиғи йўқ, онангдан рухсатнома оласан, тамом-вассалом. Ота-онанг ажрашмаган бўлса, отангдан ҳам оласан. Турмушга чиққан бўлсанг, эрингдан оласан.

Менда риторик савол туғилди: давлат 35 ёшга кирмаган кизларни ким деб ўйлайди? Мамлакатдан чиқиш юзасидан мустақил қарор қабул қила олмайдиган, сўлаги оқиб юрадиган, муомалага лаёқатсиз бир жонзотми? Жинслар тенглиги қайда қолди? Ҳаракат эркинлиги-чи? Йўқ, биз, Ўзбекистон кизлари бунга лойиқ эмасмиз.

Тошкентда нотариуслар кўплиги қўл келди, бу босқични нисабатан осон босиб ўтдик – бир ярим соат кетди холос. Харажати – справка учун 18 минг сўм. Кассада менга 1000 сўмлик “мажбурий” лотерея билетини ўтказмоқчи бўлишди. Катта пул эмас-у, аммо гап бошқа нарсада: нега мени мажбурлаб олдиришмоқчи?

“Лотерея билетини олмасам, справка бермайсиз, шунақа демоқчимисиз?» - деб шундай

мулойим сўрадимки, кассир дарров фикридан қайтди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, билетни олиш шарт эмас экан.

Нотариуснинг олдиан ўлжа билан чиқиб кетдик – мамлакатдан чиқишимга нотариал рухсатномани олдик, лотерея билетини олмадик! Аммо бу ҳужжатнинг моҳиятини тушунмайман. Унда ёзилишича, онам менинг Ўзбекистондан чиқишим ва исталган мамлакатга боришимга рухсат беради, менга эътирозни йўқлиги ҳақида имзо қўяди. Бу нимага керак? Нимага мендек кап-катта одамга бошқа одам мамлакатдан чиқишга рухсат бериши ёки тақиқлаб қўйиши керак? Бу саволлар риторик, албатта.

Тизимни бузиш

Сешанба куни эрталаб ишдан рухсат сўраб, онам билан вилоят ОВИРига бордим. Керакли ҳужжатларни топшириб, чиқиш визасини олиш мақсадида бордик. Бу стикер паспортга қўйилади ва икки йил амал қилади.

Вилоят ОВИРи бу дўзахнинг бир тури. Бу фалокат миқёсини тушунишингиз учун вазиятни ойдинлаштираман.

2016йилгирасмиймаълумотларга кўра, Тошкентда 2,3 млн киши яшайди. Шаҳар 11 та туманга бўлинган бўлиб, ҳар бирининг ўзида ОВИР бор, уларга фуқаролар яшаш жойи бўйича мурожаат қилиши керак. Туманларда аҳоли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тенг тақсимланмаган, аммо ҳар бир ОВИРга ўрта ҳисобда 200 минг киши тўғри келади. Чикиш визасини ҳар бир киши эмас, балки ярми олади дейлик. Демак, битта ОВИР 100 минг кишига хизмат кўрсатади.

Вилоят ОВИРига эса Тошкент вилоятида яшовчилар мурожаат қилиши керак. У ҳаммага битта. 2015 йил ҳолатига Тошкент вилоятида 2,6 млн киши яшайди. Вилоятда ҳам чикиш визасига одамларнинг ярми ҳаракат қилади дейлик. Демак, бу ОВИРда 1,3 млн кишига хизмат кўрсатилади! Худди Тошкентдаги ОВИРларга ўхшаб, бу ерда ҳам ҳужжат топширишга битта дарча, инспектор билан суҳбатга ёзилиш учун яна битта дарча бор. Бу ерда қанақа навбат тўпланишини тасаввур қилдингизми?

ОВИР эрталаб тўққиздан ишлайди, биз борғунимизча ўн бўлди. У Тошкентдан ташқарида, Қибрай туманининг Салар посёлкасида жойлашган. У ерга метронинг Буюк Ипак йўли (собиқ Максим Горький) беқатидан 523-автобус юради. Ушанда бордик. Автобус беқатидан кейин 15 дақиқача пиёда юриш керак.

ОВИРга яқинлашганда визага анкета тўлдиришда ёрдам берадиган кичкина идоралар учрайди. Уша ерда бланкасини ҳам сотишади: уни олдинроқ интернетдан юклаб олиб бўлмайди.

Битта ишқал томони шуки, анкетада иш жойи ҳақидаги маълумотларга ишхонадан муҳр қўйилиб, ходимлар бўлими бошлиғи ёки раҳбар имзо қўйиши керак. Ишсиз бўлсангиз, яшаш жойингиздаги маҳалла кўмитасидан муҳр бўлиши керак.

Яъни, қоидаси бўйича, аввал ОВИРга келасиз, хизматлар столидан анкета бланкасини оласиз ёки сотиб оласиз, икки нусхада ўзингиз тўлдирасиз ёки ҳақини тўлаб хизматлар столида ёздирасиз, кейин шу анкета билан ишхонага ёки маҳаллага қайтиб, муҳр қўйдирасиз. Шу тарзда сизга бир кун итмайди: ОВИРга қайтгандан сўнг керакли дарчага барибир навбатга етолмайсиз.

Аммо биз “тизимни буздик”, бир ой олдин бир танишимиздан бўш анкета олиб, нусхаладик. Ҳар эҳтимолга қарши тўрт нусха қилдик, аслида иккита керак холос. Аммо бу ишда кашага сариеғ қўшгандек ҳаракат қилиш керак –

қанча кўп бўлса шунча яхши.

Душанба кун ишхонага бўш анкеталарни олиб келдим ва тўрталасига ҳам муҳр қўйишни сўрадим. Керагидан кўп қилганим ҳам яхши бўлибди, биттасини яроксизга чиқаришди, муҳр хира тушганмиш.

Шундай қилиб ОВИРга кўнглимизни тўқ қилиб кириб келдик.

Асосийси – ортиқча нарса йўқ!

Анкеталарни уйда тўлдириб ўтирмадик, чунки улар исталган мамлакат элчихонасидаги ўхшайди – уларни қандай тўлдириш кераклигини тушуниб бўлмайди, майда шрифтда ёзилган изоҳлар эса баттар чалкаштиради.

Иш санаси қандай кўрсатилади? Рақамдами? Ой номини сўзда ёзиш керакми? “Ота-онаси ҳақида маълумот” – Исми-шарифи, туғилган санаси, иш жойини ёзса бўлдими? Ёки яшаётган манзили ҳам керакми? Паспорти кўрсатиладими? Ишхона манзили-чи? Ва ҳоказо ва шу кабилар. Ўзига жуда ишонган одам ҳам бу анкетани тўлдиришда бир неча жойида маълумотни қандай кўрсатишни билмай, бошини чангаллаб қолса керак.

Одатда элчихоналар сайтларида анкета шаклига қўшиб, уни тўлдиришнинг йўл-йўриғи берилади. Бизнинг ҳолатда унақа эмас. Йўл-йўриқ уёқда турсин, интернетда анкетанинг шаклини ҳам олиб бўлмайди. Шу сабабли барча туристик сайтлар хизматлар столидан фойдаланишни маслаҳат беради, улар қандай тўлдириш кераклигини билади.

Биз биринчи дуч келганига мурожаат қилдик. Уша ердаги аёл менинг айтганларим билан анкетани тезда тўлдириб берди. Майда-чуйдаларга эътибор ҳам бермади шекилли.

Охириги икки йилда қайси мамлакатларда бўлганимни кўрсатиш керак экан. Паспортимни варақлаб кўриб, 2014-2016 йилларда Россия ва Қозоғистонга бир неча марта борганимни ёзиб қўйди. Мен бу пайтларда Италия, Таиланд, Малайзия ва Туркияга борганимни айтмоқчи эдим, аммо у шартта “Россия билан Қозоғистон етади!” деб сўзимни бўлди ва ҳужжатларимни делога тикиб берди.

Харажат – анкета тўлдиришга 15 минг сўм ва туғилганлик гувоҳномасидан нусха олишга 500

сўм.

Дарвоқе, чикиш визасини расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- 4 та сураат 3,5x4,5 см
- виза олишга ариза-анкета 2 нусхада
- биометрик паспортнинг асли
- биометрик паспортнинг 2та нусхаси

- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси

- виза учун давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

35 га кирмаган қизлар учун қўшимча ҳужжатлар (яъни мен):

- онасининг паспорти нусхаси
- онаси томонидан чикишга рухсатнома, нотариал тасдиқланган
- ота-онасининг никоҳи бекор қилингани ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси (никоҳ узилмаган бўлса, отасидан ҳам рухсатнома)

- ЗАГСдан 71-формадаги справка, никоҳда эмаслигинг ҳақида (акс ҳолда эридан ҳам рухсатнома олиш керак)

- иш жойидан характеристика (унда сизни ҳар томонлама ишонса бўладиган, яхши муносабатли, ҳар хил йўлга юрмаган, шубҳалардан холи инсонлигингиз таъкидлаб ёзилгани маъқул).

Ҳаммасини делога тикиб, муқовасига каттакон қилиб Ҳиндистонга туризм мақсадида визага топширганимни ёзиб қўйишди. Нимадир дейишим керак эди-да, Ҳиндистонга эса анчадан бери боргим келарди.

Кейин ОВИРга йўлни давом эттирдик.

Иккита залда адашиб қолиш

ОВИР бизни узундан-узун навбатлар билан кутиб олди. Ҳамма дарчаларга, ҳамма йўналишларда навбат катта эди. Давлат божи тўланадиган кассагагина навбат йўқ эди, у ерда икки кишигина турувди. ОВИР ҳисоби бўйича бу навбат эмас, балки манфий бир қиймат эди.

Дарров керакли навбатни топа олмадик: иккита залда тўққизта дарча бор, қайси бирига биринчи туриш кераклиги ҳақида маълумот йўқ. “Сўраб оламан холос” деган баҳонамиз ҳам ўтмади, чунки “рус тилини билмайман” дейишарди (вилоят ОВИРи-да, нима қилса ҳам!) ёки ўзимизга ўхшаб, қайси навбатга туришни билмай уёқдан-буёққа ўтиб юрганларга дуч келардик.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

15 дақиқа овозагарчиликдан кейин бир қиз айтиб қолдики, аввал кассада давлат божини тўлаш керак, кейин иккинчи залда анкетани топшириш керак. Мен бўлсам МХХ (Миллий хавфсизлик хизмати) ходимининг олдида суҳбатга боришим керак: у ердаги синчков амаки менга берилган ажойиб тавсифнома билан анкета асосида, оғзаки суҳбат натижасида менга баҳо бериши керак. Мен хорижга чиқишга лойиқлигим ҳақида хулоса чиқариши керак. Шундан сўнггина паспортим билан ҳужжатларимни қабул қилиб, 25 кундан сўнг стикер туширилган паспортимни қайтаришлари керак. (“Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби”га кўра, ҳужжат топширилганидан сўнг 15 иш куни ичида паспортга стикер қўйилиши керак. – “Фарғона” изоҳи).

Кассада бир пасда тўладик. Карточадан тўласа ҳам бўлар экан. Харажати - 74887,5 сўм. Анкетага тўлов квитанциясини қистириб қўйишди, энди топширишга иккинчи зални қидириб кетдик.

Мушкул вазифа экан: иккинчи зални ҳеч тополмасдик. Ҳеч қаерда ёзув ёки рақам қўйилмаган. ОВИР ташрифчиларини сўровдан ўтказиш орқали ва ҳалиги қизга қайта мурожаат қилиш орқали шуни билдикки, иккинчи залда юрган эканмиз, резолюцияни “Ҳужжатларни қабул қилиш” деган дарчада қўйдириш керак экан. Ким билибди дейсиз?

Бунақа овозагарчиликлардан кейин яна бир нечта риторик савол туғилди. Қайси дарчага мурожаат қилиш тартибини ва бутун йўл-йўриқни деворга катта қилиб ёзиб қўйса бўлмайди? Одамлар ҳар бир дарчани олдида йиғилиб олиб, жанжал қилганидан кўра электрон навбатни ташкиллаштира бўлмайди? Нега вилоятда бир нечта ОВИР ташкил қилиш ёки шу биттадаги ходимлар сонини кўпайтириш мумкин эмас? Шунда бунақа навбат ҳам йиғилмас эди.

Инспектор ва ажиотаж

Тартибсиз навбатда бир соатча тургач, биз анкетага резолюция қўядиган инспекторгача етиб келдик.

Инспектор турли визалар қўйилган паспортимни беш дақиқача яхшилаб томоша қилди



ва нимага ташриф буюрилган мамлакатлар рўйхатида Таиланд билан Италия қўшилмаганини сўради.

Ана, мен анави аёлга айтган эдим-а!

Мен анкетани хизматлар столида тўлдириганини ва бу маълумотларни қўшишмаганини айтдим. Ок, - деб розилик билдирди инспектор. Кейин Россияда нима қилганим, қанча бўлганимни сўрай бошлади, нимага Москвада турган манзилимни аниқ кўрсатмаганимни сўради.

Мен иш юзасидан командировкада бўлганим, ҳар гал уч кундан олти кунгача борганим, турли меҳмонхоналарда турганим, манзилларни эслаб қолмаганимни айтдим.

Инспектор ўзича жавраб қўйиб, кейин пастда қавс ичида “командировка” деб ёзиб қўйишимни сўради. Мен анкетани тўғирлаётганимда онам бошқа дарчага навбатда турди, чунки яна бир соат кутгимиз келмаётганди.

Мен яна дарчага келганимда у ерда бошқа инспектор ўтирувди: қизнинг ўрнига бир эркак ўтирибди, у яна командировкаларим ҳақида сўрай бошлади. Ваниҳоят ўзининг фамилиясини қиялатиб ёзиб қўйди ва битта анкетага қўл қўйди. Иккинчисига қўймади, чунки мен МХХ инспекторига суҳбатга боришим керак экан, ўшандан кейингина ҳужжатларимни қабул қилишаркан.

МХХчига навбатга туришнинг ўзи алоҳида масала. Эрталаб соат 10да навбатда 45 киши турганди, қабулга ёзилиш эса тўхтатилган эди. Айтишларича, ОВИРга эрталаб 6 да келиш керак экан. Шу пайтда одам йиғилишни бошлайди ва келганларнинг фамилияси ва раққа ёзилади. Соат 9 да теишли дарчага котиба келиб, рўйхатни олади ва йўқлама қилади. Йўқламада жавоб бермаса, навбатдан ўчириб ташлашади. Жавоб берса, котиба ҳужжатларини текшириб кўради, ҳаммаси жойида бўлса, кейин ўзининг рўйхатига ёзиб қўяди. Кейин инспекторга киришни

кечки олтигача кутиб ўтирасан. Инспектор ҳафтасига икки кунгина – сешанба ва жума кунлари қабул қилар экан. Демак, сешанбада кира олмасам, жума куни эрталаб соат 6 га келишим керак.

Яна битта риторик савол: нимага бу инспектор ҳар куни ишламайди? Бу одам фоҳишаларни қайтаравериб роса чарчаса керак, шунинг учун ҳафтасига фақат икки кун қабул қилади.

Тушунишимиз бўйича, бу нарса инспекторнинг олдида киришни қийинлаштириш учун сунъий равишда юзага келтирилган. Демак кимгадир фойдаси бўлса керак. Кимга фойдаси борлигини билишга ҳам муваффақ бўлдик.

Залда кезиб юрганимизда бир шубҳали киши олдимизга келиб, инспекторнинг олдида навбатсиз кириб, виза олишга ёрдам таклиф қилди. Биз эса олдинроқ онам билан ҳаммасини ўзимиз қиламиз, коррупциянинг ҳамёнимизга кириб келишига йўл қўймаймиз деб келишиб олган эдик. Аммо шунчаки нарх-навони билгимиз келди.

- Тушунсангиз керак, навбатсиз кириш текин бўлмайди. Муайян миқдорда пул бериш керак, - деди бу шубҳали киши, ҳамёнимизга қармоқ ташларкан.

- Ҳа албатта, - дедик биз, - қанча?

- Инспектор суҳбатига навбатсиз кириш учун 200 минг сўм, виза олиш учун 100 доллар, - деб нарх-навони тушунтирди амаки.

- Қимматлик қилади, ўзимиз амаллаимиз!

Биринчидан, пора бериш ноқонуний иш, иккинчидан, бу амаки пулни олиб, лақиллатиб кетиши мумкин. Шунинг учун кўкракни кериб дарча ёнига бордик ва намойишкорона тарзда навбат охирига турдик.

Виза олишнинг тўртинчи босқичида харажатлар жами 90.500 сўм бўлди (анкета тўлдириш, давлат божи, ОВИРга бориш-келиш йўлқираси).

“Рўйхатга илиниш” операцияси

Жума куни азондан йўлга чиқдик, 5.15 да уйдан югуриб чиқиб, “ОВИР” деб номланган қалъани забт этиш учун йўлга тушдик.

Дарров такси ҳам тўхтатдик, одатда бунақа пайтда кўчалар бўш бўларди. 8 минг сўм бериб, тез орада қалъа деворлари ёнида пайдо бўлдик.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тонг саҳарлаб вилоят ОВИРи худди қамалдаги қалъага ўхшайди – дарвозалар ёпиқ, унинг олдида ғилдиракли лагерь қурилган бўлиб, исталган пайтда ичкарига ёриб киришга тайёр туришибди.

Соат 5.30 да мен рўйхатда олтинчи бўлдим! Биринчидаги қиз кечқурун соат бирда келибди, иккинчиси соат учда, қолганлар бешда келибди.

Соат 5.30 да ҳамма машинасининг ичида ўтирибди, мен билан онам эса отсиз эдик. Ҳаво совуқ эди, биз ОВИР девори бўйлаб уёқ-буёққа юриб, яхшигина совуқ едик.

Олти яримларда бизга ўхшаган машинасиэлар сони ўнтага етди, улар совуқдан тўсикка беркинишар, сакраб-сакраб кўйишарди.

6.45 да қалъа дарвозаси очилди ва одамлар шунақанги жаҳд билан ичкарига отилдики, худди биринчи кирганга бугуннинг ўзида навбатсиз виза кўйиб беришадигандек.

Шамол эсмаётган илиққина зални ва бир неча скамейкани биз худонинг инъомидек қабул қилиб, бажонидил ўтириб олдик ва тугмаларни бўшатдик. Одамни бахтли қилиш осон экан: уни бир ярим соат совуқда ушлаб ўтириб, кейин скамейкали бинога киритишнинг ўзи кифоя экан.

Яна бир соатча скамейкаларда тикилишиб ўтирдик, бир-биримиз билан танишдик, қаердан келганимиз ва нималарга дуч келганимиз ҳақида гаплашдик. Бир қизнинг айтишича, деярли бир ойдан бери ОВИРда хонама-хона юрган экан. Ёши 35 га етмаган экан, рухсатнома берадиган одамнинг ўзи йўқ: ота-онаси ўтиб кетган, эри билан олти йил олдин ажрашган. Ота-онасининг ўлими ва ажрашиш ҳақидаги ҳамма справкалари бор, аммо ҳеч ким нотариал

рухсатнома бермагани учун унинг ҳужжатларини қабул қилмай, кабинетма-кабинет югуртираётган экан.

Бошқа қизнинг айтишича, Кореяга ишга кетмоқчи экан, аммо турмушга чиқмаган, отаси оламдан ўтган, онаси Россияда экан. Унга ҳам рухсатнома берадиган одамнинг ўзи йўқ. Бунинг йўлини топибди: онаси Россиядалиги ҳақида маҳалладан акт олиб келибди, энди шунинг ёрдамида стикер олмақчи экан.

Бизга фақатгина ишхонадан эмас, балки маҳалладан ҳам тавсифнома сўрашларини айтишди, кўрқиб кетдик. Дарчадаги қиздан буни сўраб олдик. Бу ҳужжатсиз ҳам ўтиш мумкинлигини айтган қиз, менга ишонса бўладиганлигимга инспектор шубҳа билдирмаслиги учун ўзимни одобли қилиб кўрсатишни маслаҳат берди.

Соат 7.45 да котиба келиб, инспектор олдига кириш учун ўзининг рўйхатини туза бошлади: эрталабки рўйхатга қараб, фамилияни ўқирди ва ҳужжатларини текширарди. Жавоб берганларни ўз рўйхатига ёзиб оларди.

Шу пайт бир бало бошланди! Бу пайтга келиб рўйхатда 56 киши ёзилган эди. Тартиб рақамга қарамасдан, ҳамма дарчага тикилишни бошлади. Тахминан 48-рақамли бир қиз дарча ёнига туриб олиб, 3-рақамлига ҳужжатларини узатишга йўл кўймасди.

Оломон ичида ғижимланиб кетсам ҳам, ҳужжат топширишни уddаладим. Котибанинг рўйхатига еттинчи рақамда ёзилдим, ўзи олтинчи эдим. Рўйхат бошига қандайдир бошқа қизни ёзиб кўйишди. Эрталаб соат 3 да келган иккинчи рақамли қиз норозилик билдира бошлаган эди,



котиба силтаб ташлади: “Ўчир! Мингирлайверсанг умуман йўқ бўласан!”

Эрталаб 8 да – инспекторнинг иш куни бошланишидан бир соат олдин 50 кишилиқ рўйхат тузиб бўлинди.

Шу пайт суҳбатда керак бўладиган бир бланкани топиш кераклиги маълум бўлиб қолди. Бланкани 500 сўмга “Ксерокопия. Срочное фото” деган дарчада беришарди. Бу бемаъни, мужмал вазият бўлди, аммо осон бўлади, деб ҳеч ким ваъда бермаганди.

Асосий синов

Соат 9 да инспектор қабулни бошлади. Ҳаяжон билан эшик олдида тўпландик. Ўнинчи рақамгача тартиб билан туриб олдик ва нималарни сўраши мумкинлиги ҳақида тахминларимизни баҳам кўра бошладик.

Тўққизинчи рақамдаги қиз “Неча пулга биров билан ётган бўлардингиз?” деган саволдан хавотирланарди. Кимдандир шунақа сўрашган эмиш. Энди “тўққизинчи” хавотирланиб, инспекторга ўзининг “унақа эмаслигини” билдириш учун ўзини қандай тутиш ҳақида ташвишланарди.

Биринчи қиз ўн беш дақиқадан сўнг чиқди. Уни саволга кўмиб ташлашди: “Ўима бўлди? Нимани сўрашди? Ўтдингми?” Худди институтда энг бераҳм ўқитувчига имтиҳон топширишга ўхшарди. Ҳар гал навбатдаги қиз “Ўтдим!” деганига бутун йиғилганлар енгил тортарди.

Айримлардан қаерга ва нимага кетаётганини сўрашган, бошқасидан эса ҳеч нарсани сўрамасдан, ҳужжатларини кўриб чиқишган холос.

Бешинчи рақамдан кейин орага қўлида боласи йиғлаётган иккита олифтани тикиштиришди.

Инспектор соатига ўнтача одамни ўтказаетган эди, шунинг учун мен соат 10 ларда кирдим.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Инспектор бир ўзи ўтирарди, ишга кўмилган одамга ўхшамасди. Телевизор ёқилган, у қизиқиб томоша қилиб ўтирарди, телевизорда “Смак” кўрсатувининг ўзбекча аналоги кетаётган эди. Шу билан бирга паришонхотирлик билан ҳужжатларимни варақлай бошлади. Мен ҳатто ўзимни ноқулай ҳис қилдим, келволиб, телевизор кўришга халақит қиялман.

Бодринг тўғраш билан сабзида ўймакорлик қилиш жараёни ўртасида инспектор ванихоят менга қараб, хорижда неча марта ва қай мақсадда бўлганимни сўради. Мен ҳар эҳтимолга қарши гапни командировкадан бошладим. Инспектор ҳатто кўкатни тўғраш жараёнидан кўзини узиб, тез-тез хорижга борадиган киз нима билан шуғулланиши ҳақида сўради. Мен унга “сиз, биз ва нефтегаз” ҳақидаги гапириб бериб, одоб билан кўзларига тикилиб турдим.

- Турмушга чиққанмисиз? - инспектор бошқа томондан олди.

- Йўқ, турмушда бўлмаганман, - дедим тетик тарзда, кўзим эса экрандаги салатда эди: чунки нонушта қилмагандим.

Инспектор яна ҳужжатларимни варақлади, ота-онамнинг никоҳи бекор қилингани ҳақидаги гувоҳномага ниқтади, ишхонадан берилган тавсифномани диққат билан ўқиб чиқди – шу пайтда мен “юраги тушди” деган гапнинг маъносини англадим. Инспектор маҳалладан олинандиган ҳужжат ҳақида индамасдан, тавсифномани ёпгач эса “елкасидан тоғ ағдарилди” деган гапнинг маъносини тушундим.

Мамлакат газ соҳасининг тараққиёти ҳақидаги ўн дақиқалик муҳокамамиз ва телеэкрандаги салатга тикилишлардан сўнг, у менга формулярни тўлдирди ва имзо қўйдириб, чиқариб юборди.

Ура, квестдан ўтдим!

Соат 10.15 да онам билан мен мағрур бир кўринишда, миллион сўмни тежаб қолган ҳолда ОВИРдан чиқдик.

Ўша кунги харажатлар – йўлга 11 минг сўм ва интервью бланкаси учун 500 сўм. Чиқиш визасини олиш учун жами харажат 145 минг сўмни ташкил этди.

25 кундан сўнг стикер қўйилган паспортимни олишим мумкин”.

Манба: “Фаргона” АА

«Сиз ойимизсиз, қуёшимизсиз!»

Ўзбек газеталари нималарни ёзмоқда?

Ер Ойдан, Қуёшдан ажралиб қолса, у йўқ бўлиб кетади. Буни билиш учун астроном бўлиш шарт эмас.

Лекин Ўзбекистон мисолида табиатнинг бу қонуни амал қилмайдиган кўринади. Чунки Ўзбекистон матбуоти бир «қуёши» йўқ бўлса, дарров бошқа «қуёш» ясаб олишга уста экани «буюк йўлбошчи» вафотидан кейин янада ойдинлашди.

Маҳаллий матбуотнинг бундай «яратувчанлик» кучи ҳақида олдин ҳам ишора бериб ўтгандик. Сўнгги вақтларда бу ишорамиз тобора аниқлик касб этмоқда.

Хуллас, айтмоқчи бўлганимиз, кечагина Ислоҳ Каримов шаънига янграган маддоҳлик бугун Шавкат Мирзиёев манзили томон ўзгарган. «Яратувчанлик»нинг бошида эса, албатта, кечагина бугунги «ойимиз, қуёшимиз»га қарши ўз номзодларини илгари сурган партиялар турибди.

Янги президентнинг Конституция кунини ва тахтга ўтириш маросимидаги маърузалари уларга янги «ихтиролар» учун кенг йўл очиб берапти.

Масалан, «Миллий тикланиш» газетаси (21.12) «Халқ ва Ватан манфаати — устувор масала» эканини эълон қилди. Олдин қандай эди? Бу масалалар устувор эмасдими? Бу газета номига ўйқаш партия шунча йилдан бери халқим деб, ватаним деб «ёниб» яшаб келаётган эди. Ҳар ҳолда, шунча йиллардан бери бу газета саҳифаларида шу мавзудаги мақолаларни ўқир эдик. Наҳотки алданган бўлсак?!

Наҳотки шу пайтгача «миллатни тикловчилар» халқ ва ватан манфаатини ўйламай, фақат, дейлик, қорин гамида бўлган бўлса? Шу пайтгача улар учун халқ ва ватан манфаатидан устувор масала нима эди унда?!

Эътиборлиси, бугун партияларимиз давлат раҳбарининг нутқларидан кейин фаолликка журъат қилиб қолганидир. Фақат уларга шу кунгача фаолликка нима тўсқинлик қилганини била олмай халқнинг кўнгли хижил.

Хусусан, кечагина «Миллий тикланиш» партиясидан президентликка номзод бўлган Сарвар Отамуродов янги президент

нутқларидан кейин «уларда илгари сурилган ғоялар, танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган устувор масалалар ҳар биримизни (партия аъзоларини деб ўқинг — таҳририят) ўз фаолиятимизга холис баҳо бериб, уни янги, юқори босқичга кўтаришга ундаши»ни айтибди.

Тўғри, тараққиётнинг чеки йўқ. Янгидан янги босқичлар ҳам кўп. Аммо аслида бир жойда депсиниб, юряпмиз, деб ўйлаш учун партия раиси бўлиш шартми?!

«Аҳоли билан мулоқот қилишнинг, уларнинг дарду ташвишини, таклифларини эшитишнинг самарали йўллари излашимиз лозим», дейди партия раҳбари яна бир ўринда.

Нега у бу ҳақда президентликка номзод бўлиб турган пайтда ўйламади экан, деб биз сайловчиларни ўйга толдиради бўлмай қолган президент.

Шотирлари ҳам партия раҳбаридан қолишмайди. Партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси бўлган опа янги президентнинг маърузаларидаги ғоялар «сайловчилар билан ишлашда, уларнинг ишончини оқлашда кенг имкониятлар бериши»ни таъкидлайди.

Олдин сендашундай имкониятлар бўлмаганми, аввалги президент шунга сенга йўл бермаганми, очик айтмайсанми, номард!? Айтолмайди бечора. Унга ҳам қийин. Ҳозиргиси аввалгисининг йўлини давом эттираман, деб айтиб қўйган. Аввалгисига тош отиш бугунгисининг бошини ёришдек гап. Мана гап қаёқда. Бу эса пахта қўйиш сиёсатига зид. Бу сиёсатга қарши бориш эса карьерага чил беради. Мана шуниси халқнинг эмас, опанинг манфаатига тўғри келмайди.

ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Содикжон Турдиев ҳам бошқа партиядан бўлса-да, аслида ўзининг мафкуравий эгизи бўлган опанинг гапларига қанот бағишлайди (XXI аср, 22.12).

«Президентимизнинг ушбу маъразасида илгари сурилган ғоялар, фуқароларимизни ўйлантираётган муҳим масалалар юзасидан айтилган асосли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мулоҳазалар ҳамюртларимизнинг юрагига етиб борди», дейди С.Турдиев.

«Элга хизмат қиламан, деган депутат энг аввал ўз сайловчилари билан мулоқотда бўлади», дея унга жўр бўлади «Ўзбекистон овози» (24.12).

«Ўзбекистон овози»нинг муассиси бўлган ХДП депутатларидан бири эса

«парламент назорати кучайиши ... жойларда ечимини кутаётган муаммолар ечимини ўрганиш имконини бериши» тўғрисида фалсафа сўқади.

Биз бунақа фалсафаларни кўп йиллардан бери эшитиб келамиз. Лекин шу пайтгача «замонамизнинг буюк сиёсатчиси» ҳам, унинг издоши ҳам 21-асрга келиб ҳам ўзбек халқи электр энергияси тақчиллиги, газ етишмовчилиги, валюта конвертацияси, мажбурий

меҳнат каби муаммолар халқнинг юрагига найзадек санчилаётганини очик тан олмаганини ошқора айтишга журъат этмаганига нима дейсиз?!

Янги юртбоши бу муаммоларни очик-ошқора тан олиб, уларнинг ечиш йўлида амалий қадамлар қўймас экан, халқ барибир бир кун ёлғонни англаб етади!

Баходир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
таҳаллуси

Афсуски шу кунларда, халқ орасида ном чиқарган “зиёлилар” ёки ўзини “мухолифатчи” деб билганлар орасида маддоҳлик авжига чиқмоқда. Бу ҳақда ўтган мақолада ҳам айтиб ўтилган эди. Афсуски, бу “қасал” қисқа вақт ичида кўпчилиқни ўз домига тортиб кетяпти.

Бу эса ўсиб келаётган ва келажак авлоднинг маънавий шаклланишини саратон ўсимтаси каби бўғиб, 25 йил давомида қолипга солинган “маънавият”ни янада тубанлаштиряпти. Натижада, амалда мавжуд бўлган “куллук” ила яшаш “фалсафаси”ни янада улуғлаб, тубсиз “қолоқ”ликга итаряпти. Натижада эса ҳозирдан барчамиз гувоҳ бўляпмиз, ёхуд Хуррият дея эркин сўзлик ва ўз



бўлганди. Бу орада эса юрт ичидаги ва ташқарисидаги айрим “зиёлилар” уни “улуғлаш” билан банд бўлиб, амалдаги тизимдан “умид” катта эканини таъкидлаб келишётганди. Бу вақтда эса амалдаги тоталитар тизим ўз сафдошларини йиғиш ва уларни амал курсиларига ўтказиш харакатида бўлганини кузатишимиз мумкин.

Бу жараён ҳозиргача давом этиб, уларнинг сафини З. Алиматов каби қонхўр бошлиқлару, порахўрлик ва тубанлик билан ном қозонган бошқа шахслар тўлдириб бораёпти.

Энди ҳам ҳар хил радио ва ижтимоий тармоқларда шу тизим учун қарсақ чалаётган “Эркин журналист” ва “мухолифатчилар”га қандай муносабатда бўлишни ўзинг биласан киши.

Маддоҳлик “санъати ва усуллари” ёхуд топталаётган Хуррият

фикрига эга бўлган ёшлар сони тобора камайиб бормоқда.

Ундан ташқари, эндигина ҳақиқатни билгиси келган, ўз фикрини баён қилишни истаган ёшларни ҳам бу йўлдан қайтишига айна шу “қасаллик”ни халқ ишонган “зиёли” ва “мухолифатчи” маддоҳлар орасида тарқалаётгани сабаб бўлмоқда. Ёхуд ўзни кўйингки “мухолифатчи” ёки “эркин журналист” дея бонг урган инсонлар, яқин кунларгача тоталитар ҳокимият ва уни тизгинлаётган МХХ билан алоқада бўлганини айтиб, энди эса унга қаршилигини айтиб турган пайтда, ўз фикрини баён қиломоқчи бўлган ҳар қандай ёш Хурриятчини доводиратиб қўяди. Айнан ўзи қарши бўлаётган ноҳақлик ёнидан бош чиқариб турганини билса, яна бир эркин фикрни узоқ вақтга кечикишига ёки бағамом йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди. Ё бўлмаса ўзини “мухолифат”чиман

деб атаётган инсонни, бошқа давлатлар раҳбарларидан ўз юртига “шоҳ” қилиб қўйишларини сўраб турганига, ўз саҳифасида миллатчилик ва тубан ғояларни илгари сураётган “масхарабоз”лар тарафини олиб турганига гувоҳ бўлган эндигина Хуррият сари қадам босаётган ёш авлодда “мухолифат” тўғрисида салбий фикр шакллантириб, ҳукумат тепасида бўлган зулмкорларнинг кулгусига сабаб бўлиб қолмоқда.

Бошқа томондан эса, ҳукумат тепасига ўзлари тузган конституцияга қарши чиқиб, анти-демократик ва тоталитар кайфиятда келган Мирзиёев бошчилигидаги тизимга қарсақ чалаётган, улуғлаётган “мухолифат”чиларни кузатасан киши.

Мирзиёевнинг ҳукуматга келишидан тортиб “сохта” президент сайловларигача бўлган жараёнда, ўз сиёсий йўлини ва бошқариш усулини намоён қилиб

Энди эса юқорида айтиб ўтилган, “маддоҳлик”нинг ҳар хил “усуллари” билан ўз принципидан кўра шахсий маанфатини устун қўйган “зиёлилар”дан қандай шогирдлар ва издошлар етишиб чиқиши ҳақида ўйлашнинг ўзи нақадар ачинарли.

Аммо эркин фикрли, Хуррият ёшларибукаби “устоз”лардан эҳтиёт бўлиши керак. Зеро, биз ўзимиз билмаган ҳолда ўз фикримизни, “шахсий манфаат” йўлида зиндонбанд этишимиз мумкин. Шунинг учун аввало сиз нимага қарши чиқаётганингизни чуқурроқ англашингиз, ўз олдингизга қўйган мақсадларингизга ўзингиз ишонишингиз, залолат ва адолатсизлик айна қайси тарафда эканини билишингиз, ҳеч қачон халқ ва унинг маанфатларидан ўзингизни устун қўймаслигингиз керак бўлади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шу ўринда билмаганингизни ўрганиш ва тажриба орттириш истагингиз бўлади албатта. Сиз “маддох”лар фикрига ишониб уларнинг шахсий манфаати йўлида паёндоз бўлмагн. Албатта улар, амаладаги ва собиқ тизимнинг ашаддий “душмани” ҳисобланган ҳақиқий муҳолифатни қоралаб, гўё бу ҳаракат ва унинг Лидерини шу йиллар давомида ҳеч қандай натижага эришмагандек кўрсатишга ҳаракат қилади.

Лекин сиз адашманг, ҳақиқий фикр, принцип йиллар давомида тобланиб ўзининг аслий моҳиятини кўрсатади. Шу йиллар давомида муҳолифат Лидери ва унинг ҳақиқий аъзолари, сиз ва биз каби кўплаб ёш журналист ва Ҳурриятчилар учун билим, тажриба ўчоғи бўлиб келди. У шахс ҳақиқий муҳолифатчининг нақадар ўз фикрида аниқ туриши ва ҳеч қачон адолатсизлик олдида тиз чўкмаслик кераклигини кўрсатди.

Албатта бу каби мисол бўла оладиган ҳақиқий устоз журналистлар ва Ҳурриятчилар

ҳали ҳам бор. Ва биз айнан шундай соғлом фикрлай оладиган, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, муоммонинг илдизигача баён қила оладиган бўлишимиз керак бўлади.

Ва ҳулоса ўрнида “маддохлик” бу инсоннинг ўз принципларидан шахсий манфаатини устун қўйиш, мана энди худди шундай “МАДДОХЛАР” вақти келиб сизни ҳам ўз манфаатлари йўлида қурбон қилмаслигига амин бўла оласизми?

Абдумалик Солиҳ



мамлакатда цензура бекор қилингани ҳақида гаплар ёлғон экан. Аслида 2002 йилгача Давлат матбуот кўмитаси инспекцияси ҳар бир газетани «назорат тартиби»да ўқиб берган экан.

Ҳатто бу инспекция 2002 йилда президентнинг Америкага ташрифи таассуротларини мақола қилган шоир Эркин Воҳидовнинг «Юртимизда демократия тўла қарор топди, дея даъво қилсак муболага бўлади», деган гапларига ҳам эътироз билдиргани, фақат шоир барча масъулиятни зиммасига олгани учун улар ўзгаришсиз босилгани эсланади.

Шундан кейин қандайдир тадбирда шоирни бу мақоласи учун мактаб, бўлиб ўтган воқеадан хабар топган президент инспекция фаолиятига барҳам бергани билдирилади.

«Шундай қилиб, Эркин Воҳидовнинг публицист сифатидаги жасорати туфайли ижодкорлар йўлидаги тўсиқ олиб ташланди», дея ҳулоса қилади муаллиф.

Бугун эркинроқ фикрлайдиган журналистлар билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолсангиз, улар цензура идораси йўқ қилинганидан афсусланиб ҳам кўяди.

«Ундан кўра ҳамма масъулиятни зиммасига оладиган бундай идоранинг бўлгани яхши эди. Чунки ҳозир барча — бош муҳаррирлардан тортиб оддий журналистгача цензорга айланиб қолган. Шунинг учун бугунги газеталарнинг аҳволи абгор», дея эъзиради улар.

Баҳодир Шариф

Ўзбекистонлик газетхон
тахаллуси
Манба: Eltuz.com

Цензура идораси тугатилгач Ўзбекистонда ҳамма цензорга айланди

*Ўзбек газеталари нималарни
ёзмоқда?*

Айни кунларда «мустақил газета» деган баландпарвоз мақом билан чоп этиладиган «Хуррият» нашрининг илк сони чиққанига 20 йил тўлаётир.

Шу муносабат билан «Хуррият»да (28.12) газетанинг дастлабки йиллардаги фаолият эсга олинди. Эътиборлиси, газетанинг биринчи муҳаррири бўлган журналист Карим Баҳриевнинг номи ҳам биргина жойда кистириб ўтилди.

«Дастлабки кунлар, йиллар» сарлавҳали мақолада газетанинг илк сонини тайёрлашда ўша пайтларда турли нашрларда ишлаётган журналистлар бел боғлаб ёрдам бергани айтилади.

«Газета шиддат билан фаолиятга киришди — жамоатчилик чоршанбани

интиқлик билан кутадиган бўлди. Чунки «Хуррият»да қандайдир қутилмаган мавзуда мақола чиқиши одат тусига кириб бораётган эди», дейилади мақолада.

Муаллиф шундай ўткир мавзуларда мақолалар бераётган газета цензурасиз босилганини, барча масъулият тахририятга, тахририят раҳбариятига юкланганини таъкидлайди.

«Беш йил «Хуррият»ни чиқарган бўлсак, «Бизни цензура ўқимади», деган гапимизга жуда камдан-кам одам ишонарди. Ишонгани ҳам «Йўғ-э» деб кўярди», дейди муаллиф.

Ўша пайтда цензура йўқлигига ишонган одам камдан-кам бўлганини тушуниш мумкин. Бунинг сабабини ҳам «Хуррият»нинг ўзи кўрсатиб берган.

Маълум бўлишича, мустақилликнинг илк йилларидан

Туркия туркча сўзлашувчи мамлакатларнинг иқтисодий иттифоқини тузишни таклиф қилди

Туркча сўзлашувчи мамлакатлар ҳаскорлик кенгаши иқтисодиёт вазирларининг Баку шаҳрида бўлиб ўтган VI-мажлиси доирасида Туркия Иқтисод вазирлиги Нихот Зайбакчи журналистлар билан бўлган суҳбатда, Туркча сўзлашувчи мамлакатлар ҳамкорлигини кенгайтириш учун улар ўртасида иқтисодий иттифоқ тузиш, эркин савдо режимига ўтиш ва божхона имкониятларини кенгайтириш лозимлигини айтган. Вазирнинг сўзларига кўра, туркча сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мавжуд салоҳият

даражасига мос келмайди.

«Турк иттифоқига кирувчи мамлакатлар аҳолиси сони умумий 115 миллион кишидан иборат, ушбу мамлакатларнинг миллий даромадларининг умумий ҳажми эса 1,2 триллион АҚШ долларини ташкил қилади. Туркча сўзлашувчи мамлакатларнинг ташқи савдо айланмаси ҳажми умумий 600 миллион долларни ташкил этишига қарамай, бу мамлакатларнинг ўзаро савдо айланмалари бугунги кунда фақатгина икки фоиздан иборат. Биз ушбу кўрсаткични 5-10 фоизга қадар етказишимиз керак. Қолаверса, ўзаро савдо айланмасида, Туркия

ва Озарбайжондан ташқари, биз ҳеч қайси мамлакат билан ташқи савдо ҳамкорларнинг биринчи ўнталигига кирмаймиз», - дейди Зайбакчи.

Унинг сўзларига кўра, Туркча сўзлашувчи мамлакатлар ҳамкорлик кенгаши Иқтисодиёт вазирлари мажлиси кенгашнинг сиёсий аҳолини мустаҳкамлаш ва аъзо мамлакатларнинг иқтисодий алоқаларини кенгайтирилишига қаратилгандир.

«Агарда туркча сўзлашувчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларини мустаҳкамласалар, шу билан биргаликда сиёсий ва бошқа масалаларда ҳам алоқаларини кенгайтирадилар», - дейди вазир.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Сурагда: Шавкат Мирзиёевнинг куёвлари, чандан Ойбек Турсунов ва Отабек Шаханов)

Шавкат Мирзиёев икки куёвини ҳаётларидаги энг йирик янги йил совғаси билан сийлади.

Катта куёв Ойбек Турсунов президент маъмурияти раҳбари Зелимхон Ҳайдаровнинг ўринбосари этиб, кичиги Отабек Шаханов эса президент хавфсизлик хизмати бошлиғининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Бу ҳақда Элтузга Шавкат Мирзиёев оиласига яқин икки манба маълум қилди.

Каримов ўлимидан бахти чопган куёв

Мирзиёевнинг тўнғич қизи Саиданинг эри Ойбек Турсунов ҳақида турли зиддиятли фикрлар юради.

Мирзиёев бош вазир экан давлат заҳираларини бошқариш қўмитасида мулозим бўлган Ойбек Турсунов айни идорадаги камомати ҳамда валюта қора бозоридаги фаолияти туфайли катта муаммога дуч келган.

Жазодан омон қолиш умидида Ойбек Москванинг энг ҳашаматли «Рублёвка» мавзесида яшашга мажбур бўлган ва фақат Ислоҳ Каримов ўлимидан кейингина Ўзбекистонга қайтган.

Унинг отаси Ўзбекистон Ички



Мирзиёев икки куёвини катта ишларга жойлаштирди

Ишлар вазирлиги Терроризмга қарши кураш бошқармаси собиқ бошлиғи, истеъфодаги полковник Ботир Турсуновдир.

Ойбекнинг божаси Отабек Шаханов ҳақида маълумотлар ниҳоятда оз.

2010 йили IzRus портали Отабекнинг хотини Шаҳноза Мирзиёева Исроилнинг «Ихилов» касалхонасида қиз фарзанд кўргани ҳақида ёзганди.

Божалар даври

Шавкат Мирзиёев мархум президент Ислоҳ Каримов

изидан боришини баралла эълон қилган эса-да, амалда мутлақо бошқача сиёсат юритаётгани охириги пайтларда тобора яққол кўзга ташланмоқда.

Шу жумладан унинг оила аъзоларига бўлган муносабатида ҳам мутлақо ўзгача ёндашувни кўриш мумкин.

Мархум президент ўз куёвларини ҳокимиятдан қанча йироқ тутган бўлса, жорий президент ўз куёвларини ҳокимиятга шунча яқинлаштирмоқда.

Шамсиддин Тўлаганов
Манба: Eltuz.com



Темур хўжа ўғли: Террорчининг улуси ва кимлиги йўқдир

Профессор, тарих фанлари доктори Темур хўжа ўғли Туркиядаги террор воқеасига муносабат билдирди

“Истанбул хавфсизлик идораси бу исқиртни “ўзбек” деб айтди, бундан олдин қирғиз ва уйғур деган гапни айтган эди», дея ёзди туркиялик профессор Темур хўжа ўғли ўзининг ФБдаги саҳифасида. «Бир исқиртнинг шу ёки бошқа миллат мансуби бўлиши туркистонликларга иснод келтира олмайди. Биздан шундай исқирт чиқибди дея ҳафа бўлишга асос

йўқ. Террорчининг дини, улуси, шахсияти ва кимлиги йўқдир. У бир МАНҚУРТдир!» дея ёзди Темур Хўжа ўғли.

Турк матбуотида ёритилган сўнгги хабарларга кўра, 39 кишини ўлдирган террорчи ўзбекдир.

Янги йил кечаси Reina тунги клубига калашников автомати билан ҳужум қилган кимсанинг исми Абдуқодир Машариповдир.

ИШИД аскарари дея иддао қилинган Машарипов ўлдирилган

Хуррият ва бошқа турк газеталарининг ёзишича қотил “Абу Муҳаммад Хуросоний” код исми билан ҳаракат қилган.

Матбуот иддаосига кўра, террорчи хотини ва икки фарзанди билан 2016 йилнинг 20 ноябр куни Қирғизистондан Истанбулга учиб келган.

Кейин бу оила Истанбулдан, Анқарага ундан кейин эса Кўня шаҳрига келган.

Турк матбуотида ёзилишича, ИШИДнинг ўзбек хужраларидан бирида таълим олган Машарипов 15 декабр куни Туркиянинг Кўня шаҳридан Истанбулга келган.

Сешанба куни террорчининг хотини Туркия истихборати тарафидан сўроқ қилинган.

Террорчининг хотини эрининг дунёқарашидан беҳабарлигини айтган.

Туркия истихборатининг матбуотга сиздирган хабарига кўра, Абдуқодир Машарипов ўлдирилган.

Уни ким ва нима мақсадда ўлдириганига оид маълумот йўқ.

Маълум бўлишича қатлиомда қўлланилган қуроолар ИШИДнинг ўзбек хужраси фаоллари тарафидан Истанбулга келтирилган.

Иддаога кўра айни фаоллар Машариповнинг хужум уюштиргани ортидан логистик қўлловни мунтазам амалга оширишган.

Манба: Eltuz.com

Хар куни йўлимнинг устида бўлгани сабабли пул алмаштириш шоҳобчаси ёнидан ўтаман.

Хар сафар ўтганимда курсга бир қараб қўяман.

Охирги пайтларда кунда ўйнаётгани сабаб қанчадан олиниб, қанчадан сотилаётганини кўриш одат бўлган. Хоҳласам-хоҳламасам бир қараб қўявераман.


Бугун ўша ердан ўтаётиб, одатга мувофиқ бир қараб қўйдим. Қарасам, умуман бошқа бино.

Ўтиб кетдимми, деб ўйлаб яна орқа-олдимга қарадим.

Кўзим тушган жойда эса атоқли рус ёзувчиси Чеховнинг ҳикматли гапига кўзим тушди.

Хайрон бўлдим, "Бу аввал йўқ эди, бугун қўйишдими?" – деб ўйлаб қолдим.

Ҳикматли сўз остига қарасам, ўша, кунда кўрадиганим шоҳобчадаги курсни кўрсатадиган



Қалбнинг муҳаббати нимага бўлса, ўшанигина кўрар экан

рекламасига кўзим тушди.

Эътибор берсам, дам олиш куни сабаб, ўчиқ экан. Шунинг учун юқорисидаги ҳикматли сўзга кўзим тушибди...

Шунга қараб турдим-у, қалбимдан бир ўй ўтди: қалбнинг муҳаббати нимага бўлса, ўшанигина кўрар экан.

Дунёга муҳаббат кўзни кўр қилиши, хар қанча насиҳат, хар қанча даъват кор қилмаслиги кўзимиз ва қалбимизнинг ҳақдан узоқ эканлигида экан.

Кўзим дунёни кўриб, ҳикматни кўрмагани шундан экан. Ўша дунёга муҳаббатни олиб ташласаккина ҳикматни кўрар эканмиз.

Қулоқларимиз ҳақни эшитмаётгани, даъватлар кор қилмаётгани эса ўша курс баннери ёниқ турганлигидан экан.

Қалбимиздан дунё муҳаббатини суғуриб отганимиздагина динга муҳаббат қўйишга жой топилар экан.

02.01.2016

Sayyid Islom

Манба: facebook.com

Газ, Свет ва Сувдан қарзи борларга ойлик маоши йўқ

Сурхондарёда ўқитувчилар, давлатташкilotлари ҳодимлари, тадбиркорлар ойлик-маошлари банк томонидан берилмаяпти. Янги вилоят Ҳокими топшириғи билан ойлигини олиш учун келган ҳар бир одамдан ГАЗ, СВЕТ, СУВДан қарзи йўқ деган справка талаб қилинаёпти. Комунал тўловлар тўланган бўлсада 3-4 кундан бери

одамлар кўплигини эвазига НАВБАТДА туриб эртадан кечгача ўқитувчилар хатто ишга бораолмаётганини айтишмоқда. 4 кундан бери ҳалигача қарзи йўқ деган маълумотнома ололмаёпмиз дейишяпти нолиб мактаб ўқитувчилари.

ЎХХнинг Сурхондарёдаги муҳбири



Яшаб ўтдилар
Сизлар учун
Бугунларнинг муҳитини
яратиб...

Йўқ майдонни бор этиб...
Йўқ йўлларга йўл очиб,
Бетон деворларга бош уриб

-
Бир тан бўлиб...
Милион - миллион бўлиб -
Эрк сарига йўл очган
оналар,
Оталар
Улуғроқ эди.
Буюкроқ эди...
Сизлар каби

Унутгансиз ўзингизни ҳам... Даҳоликни даъво қилганлар!

Янги йил кечаси шунчаки
хаёлдан ўтган гаплар:

Шаклсиз...

...
Эй,
Сиз,
Даҳоликни даъво қилиб
Шовқин солганлар,
Унутманг,
Унутманг ўзингиздан кетиб-
Оналаринг сиздан кўра
улуғроқ эди,
Оталаринг сиздан кўра
буюкроқ эди...

Дардлироқ эди,
Аламлироқ эди...
Дардларини енга - енга,
Аламларин юта - юта,
Курашларга ўзларини ота -
ота-

Ёлғонлар,
Алдовлар тўрига тушмаган,
"Ватан" деб -
Ватанни сотмаган,
Ифво ботқоғига ботмаган,
Майдонларда
Ўз ҳалқини отмаган
Улар -
Поклик билан
Покликка юз тутганлар,
Майдон қуриб, майдон
кўриб ўтганлар -
Сиздан улуғроқ эди...
Буюкроқ эди!
Сиз уларни танитайсиз...
Унутгансиз ўзингизни ҳам...
Даҳоликни даъво
қилганлар!

Ёдгор Обид

Манба: facebook.com

Баъзида оёғимиз тагида турган фойдали нарсани кўрмаймиз: Пиёзнинг иситма ва гриппга қарши хусусиятлари

Мисрлик шифокор шундай деб
ёзади:

- Кишилар болаларининг
иситмаси кўтарилганидан шикоят
қилиб келсалар жаҳлим чиқиб
кетади, ахир шунга ҳам шифокор,
укол ёки дори керакми? Уйда пиёз
бор-ку, ахир! Фикримни исботи
ўларок бир ҳаётини воқеани ҳикоя
қилиб берай.

"Касалхонада қаттиқ иситма
туфайли ўлим билан олишиб ётган
болани кўргани бувиси келади ва
ҳолатни кўргач дарҳол бир дона
пиёз келтиришларини сўрайди,
пиёзни олиб иккига бўлади-да
боланинг ҳар икки қадами тагига
боғлаб пайпоғини кийгазиб қўяди.
Эртасига бола соғлом ҳолда, ҳеч
нарсга кўрмагандай кўзин очади,
пайпоқ тагидаги пиёз парчаси эса
тим қора тусда эди..."

Яна бир воқеа 1919-йилда
Мисрда қаттиқ грипп туфайли 40
минг киши ҳаётдан кўз юмади.

Шунда табобат ҳодимлари
кишлоқларда уйма-уй юришиб
одамларга ёрдам беришади.

Чекка бир жойда яшайдиган
деҳқонни уйига етиб боришганида
хайратга тушишади, чунки бутун
оила соппа-соғ эди.

- Қандай қилиб? - сўради
шифокор.

-Мана, - деб пўсти арчилмаган
ҳолда ўртасидан кўндалангига
иккига бўлиб қўйилган пиёзга
ишора қилди уй эгаси.

Ҳар бир хонада шундай ҳолат.
Бундан хайратга тушган шифокор
пиёзни олади ва микроскопга
қўйиб қарайди, пиёз қатлари ичи
тўла грипп микробларини кўради.

Шундан маълум бўладики,
кесилган пиёз микробларни ўзига
жалб қилади ва уларни ўлдиради.

Жуда осон лекин, жуда фойдали.
Баъзида оёғимиз тагида турган
фойдали нарсани кўрмаймизу
унинг муқобилини узоқлардан
кидирамиз...

Интернетдан олинган
маълумотлар асосида тайёрланди

ЎХХ хабарлар бўлими

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти ёйинлаган янги ҳисоботида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қатор ютуқларга эришганини, бироқ мамлакатда ердан самарали фойдаланиш механизми мавжуд эмаслиги ортидан йил сайин миллиардлаб доллар зарар кўрилаётганини қайд этди. Қўйида мазкур ҳисоботнинг Ўзбекистонга оид қисмининг қисқача мазмуни билан таниша оласиз.

Ўзбекистонда 4 миллион гектардан кўпроқ ерга экин экилади

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ



ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ЗАҲИРАЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАНИ ОРТИДАН ҲАР ЙИЛИ 1 МИЛИАРД 600 МИНГ ДОЛЛАР ЗАРАР КЎРИЛМОҚДА

хўжалик ташкилоти "Марказий Осиё ва Кавказ ортида ер заҳиралари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги", деб номланган ҳисоботида қайд этилишича, Ўзбекистонда ер заҳираларидан унумли фойдаланилмаётгани ортидан ҳар йили ўртача 1 миллиард 600 минг доллар зарар кўрилмақда.

Ҳисоботда айтилишича, Ўзбекистон минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун энг қулай шароитларга эга бўлган давлатдир.

Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизи қишлоқларда яшайди. Ялпи ички маҳсулотнинг 28 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

"Бугунги кунда Ўзбекистонда экин экиладиган 4 миллион гектардан ортиқроқ ер бор. Бу ернинг 87 фоизи суғориладиган майдонлардир", дейилади ҳисоботда.

"Ғалла мустақиллиги"га эриша олмаган Ўзбекистон

БМТ экспертлари Ўзбекистонда "ғалла мустақиллиги" сиёсати олиб борилганини нотўғри қадам сифатида баҳолаганлар.

"Бу вариантнинг фойдасиз эканини ҳисоблаб чиқиш учун яхши иқтисодчи бўлиш шарт эмас. Негаки, бозорда пахта нархи ғалла нархидан беш баробарга қимматроқдир, ғалланинг ҳосилдорлиги эса пахта ҳосилдорлигидан 2 мартаба кўпроқдир. Албатта, ҳосилни етиштириш учун сарфланадиган ҳаражатда фарқлар бор, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам суғориладиган ерларда ғалла етиштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини

оқламайди", дейилади ҳисоботда.

Муаллифларнинг таъкилдашича, бугунги кунда Ўзбекистонда 1 миллион гектар суғориладиган ерда ғалла етиштирилади. Ғалла ҳосилдорлиги гектарига 45-47 центнерни ташкил қилади.

"Ғалла ҳосилиб миллион тоннадан ошиб кетди. Бу ғалла мустақиллиги учун етарли миқдордир. Бироқ ғалла мустақиллигига эришилмади. Чунки суғориладиган ерда етиштириладиган буғдойнинг сифати тандир нон ёпиладиган ун тайёрлашга имкон бермайди. Шунинг учун мамлакатда ғалла етарли бўлса ҳам, хориждан бунга қўшимча равишда 1 миллион тонна буғдой уни сотиб олишга мажбур бўлинмоқда", дейилади ҳисоботда.

Ўзбекистонда 2 миллион гектар ер эрозияга учраган

БМТ мутахассисларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда шўрланган ерлар миқдори умумий экин майдонларининг 67 фоизини, ўта шўрланган ерлар 11 фоизини ташкил қилади. 2 миллион гектар ер эрозияга учраган. 245 минг гектар ер эса ҳосилдорлигини йўқотган. Бунинг натижасида 1960 йилларда бир гектар ердан ўртача 29,5 центнер пахта олинган бўлса, 1991 йилга келиб ҳосилдорлик 25,7 центнерни ташкил қилган.

Ер деградациясидан ҳар йили 252 миллион доллар, яйловлардан 91 миллион доллар, сувдан унумли фойдаланмаслик оқибатида 118,5 миллион доллар зарар кўрилмақда.

Ерлар инфраструктурасини реабилитациялаш учун 31

миллиард доллар керак бўлади

Ҳисобот муаллифлари Жаҳон банки маълумотига таянган ҳолда ер деградацияси масшатбларининг кенгайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ва аҳоли фаровонлигига таҳдид солаётганини таъкидлаган. Жаҳон банки ва Глобал экология фонди ҳисоб китобларига қараганда, Ўзбекистонда ерларни, ирригация ва дренаж инфраструктурасини реабилитация қилиш учун 23 миллиарддан 31 миллиард долларгача маблағ талаб қилинади.

Айни пайтда ҳисобот муаллифлари Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ютуқларга эришилаётганини ҳам билдирган. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш йил сайин аҳоли сони ўсишига нисбатан 1,5 фоизга кўпроқ бўлмақда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми ўсиши бўйича Ўзбекистон минтақада Тожикистон ва Туркменистондан кейинги учинчи ўринни эгалламоқда.

Сўнги 15 йил ичида Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми кўпайиб, четдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш камайган. Масалан, буғдой етиштириш 17 фоиздан 85,3 фоизга, картошке етиштириш 55 фоиздан 98 фоизга, гўшт 88,8 фоиздан 98,4 фоизга, савбазовт етиштириш 120 фоизга, мева етиштириш 142 фоизга кўпайган.

Манба: "Озодлик" радиоси

3 сентябр куни "Тушкунлик даври ўтдимми?" номли мақола ёзган эдим. (Орада, 27 сентябр куни мутафаккир Рауф Парфига эхтиром учун хотирасини мақолада ёд этдим.)

Бугунгача ҳар кун қуйида битилаётган мақолани ёзаман деб уриндим: ҳар кун ушбу мақоланинг ҳар хил шакли



кетган урф-одату ва ўтканларнинг юзага чиқарган яшаш услубини маданиятини такрорлапмиз, бу тириклик эмас.

Шу кунларда, сиёсатдаги ҳаракатлар (виртуал қабулхона, қарорлар ва номзодлик дастури) ботинида, онг остида марҳум президент "кашф" этган тузумни,

хаёлимда айланди. Мақола ғоясида ёруғлик кўринмади. Ҳар кун бир кун такрорланади, бу эса дўзах азоби. Айтишларича, дўзахда шундай бўлар экан, яъни - ҳеч қандай ўзгариш бўлмасмиш: ҳар кун бир кун такрорланар экан. Жамият ҳаётига жамия ичида туриб баҳо бериш қийин масала, объективлик бўлмайди. Марҳумлар каби реалликнинг кўзига тўқнаш келиш учун эса ўлиб кўриш керак. (Айтишларича, орифлар бизларнинг кўзимизга кўринмаган дунёларни ҳам ботин кўзлари билан кўришар экан. Аллоҳнинг лутфи билан, албатта.) Жамият онг остини кўриб унга баҳо бериш учун ҳеч бўлмаса, киши ўзидаги пафосдан соқит бўлиш керак. Мутафаккирларнинг айтишича, аслида бу ҳам қийин масалан аммо иложи бор экан.

Марҳум президентнинг тамойилларини-концептини ўрганиш баҳонасида раҳматли бўлсиннинг руҳиятини ўрганмоқчи ҳам бўлдим. Агар чин дилдан меҳнат қилсангиз, Фикр пардаси ортидан ҳар қандай руҳият эгаси сизга ёрдам бериб бошлайди. Биринчи президентнинг бош тамойили "Ҳеч ким (давлат қурилишига) аралашмасин, менинг ўзим биламан" эди. Натижада унинг сиёсати реаллик билан эмас мавҳумлик билан муомалага киришди, тасаввур қилинг: шахмат ўйинида рақибингиз йўқ- қарши томон фигуралари ҳаракатини ўзингиз белгилайсиз. Мақсад, маъно нима бундан. Реаллик билан юзма-юз келмасликми? Маънони президент ўлими санаси кўрсатиб тургандай, 2 сентябр. Биз мустақилликка эришдик-да, эртаси куни жамият- биз музлатиб қўйилдик.

Сивилизация, маданият деган тушунчалар ва бу сўзларнинг

Олтин ўрта йўл

орқаси-ҳақиқати бор. Биз бу тушунчаларнинг расмини -юза қисмини тушунамиз, холос. Жамият тараққиётининг мотори Фикр ҳисобланади, албатта, буни бутун дунё билади. Ва ҳар қандай маданиятли мамлакат коинотнинг бу қонуниятига амал қилади. Ҳарб мамлакатлари 15 асрдан кейин фикр тараққиётида ИЗЧИЛ- узлуксиз-тўхтовсиз музлатилмай ривожлана бошлади. Айниқса, 20 асрга келиб экзистенциализм, модернизм, постмодернизм ва кейинги ғоя абсурдизм ва нисбийлик назарияси, квантмеханикаси санъат, фалсафа, фан, сиёсат орқали жамиятда воқеликка айланди. Энди эса ғарб ҳаётида фикр тараққиётининг янги Астро даври бошланмоқда, бошланди ҳам. Нисбийлик назариясини Астро давр ортда қолдириб янги ғоя кашф қиладими? Бу савол сивилизациянинг кун тартибидеги саволи -фикрлаш тарзи бўлиб турибди, албатта. Тирик, маданиятли жамиятларнинг моҳияти бўлиб турибди.

11 асрга келиб Туркистонда тараққиёт юқорига кўтарилган бошлаган эди; жамиятда янги касблар, соҳалар пайдо бўлиб фикрнинг моддийлашуви воқеликка айланганди. Кейинги геополитик зилзилалар олдин яратилган конструкцияларни бузиб юборди, изчиллик йўқолди, фақат шахсларгина автоном ҳолатда фикр юксалишида меҳнат қилишди, холос. Жамият музлатиб қўйилди. Худди ўтган 25 йилдай. Биз ўтган 25 йил ичида Туркистоннинг 14 асрдан бошлаб 20 асргача ўткан ҳолатини бошдан кечирдик. Қайта яшадик. Аниқроғи яшамадик, аслида ҳозир ҳозир ҳам яшамайпмиз: қонимизда котиб қолган, сингиб

иш услубини сақлаб қолиш (қон алмаштириш, "тез ёрдам" кўрсатиш) ғояси ётади, бошқа концепт йўқ. (Яъни шаффофлик- демократия, тараққиёт бизни ҳозирча четлаб ўтмоқчи. Албатта, биз тараққиётни ғарб технологияларидан нусха кўчириб, ўзимизда шакллантириш деб инфантил тарзда тушунамиз. Албатта, биз "маҳалла фуқаролар йиғини" ташкилотини демократик бир унсур кўриниши деб инфантил тушунамиз, аслида қанчадан-қанча маблағларни ҳавога беҳуда совуриш эканлигини англамаймиз.) Марҳум президент ғояси барча жонли-жонсиз нарсаларни музлатиб Ўзбекистон мустақил давлат деган тушунчани шакллантириш, миллат онгига сингдириш эди. Бу ғоя амалга ошиши учун 25 йил керак бўлди. (31 август куни Мустақил давлат эълон қилинди. 1 сентябр Мустақил давлат бўлди. 2 сентябр куни бу ғояни эълон этиб амалга оширган шахс вафот этди.) Бу ғоя амалга ошди: ичкарида ва ташқарида сиёсий элита ҳали маданиятсизроқ бўлса-да аммо шаклланди. Ичкарида ва ташқаридаги сиёсий элитанинг сиёсий тафаккури, фикрлаш маданияти пайдо бўлди. Энди бу сиёсий тафаккур мамлакат учун Йўл танлаш ҳуқуқига эга бўлдимми?! Йўлни топиш учун мамлакат кўп нарсаларни бошидан кечирди, албатта.

Пайғамбаримиз (С.А.В) бармоқлари билан ерни чизиб ўрта йўлни танланглар деган. Чизилган чизикнинг икки томонидан бирини эмас! Чизилган чизикнинг бир томонига оғиш бўлганда:диний радикализм кучайиб диннинг расм-русмига мамлакат рўжу қўйганда, Б.Нақшбанд ҳазратлари содда тамойиллар кашф этиб Ўрта йўлни содда услубда кўрсатган эди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кейинроқ, масалан Шохрух Мирзо ва унинг ўғли Улуғбек даврида ўрта йўл бўйича мамлакат ривож топди. Бош Вазир Алишер Навоий ҳам шу йўлни жамият ҳаётига тадбиқ этади. 15 аср ҳам (Беруний, Синолар даври каби) Ўрта йўлнинг энг чўққига чиққан даври бўлди, жумладан фикр тараққиёти юксалиб кетди. Кейинроқ яна диний радикализм ва расм-русум давлатчилиқда устун келди, жамият ислохотларсиз қолди, тараққиёт тўхтади. Жамият залолатга (деградасия) юз тутди. Мамлакат Россия босиб олгунча тақлидчилар, мутаассиблар қўлида қолиб кетди. СССР даврида Сталин сиймосида дунёвий радикализм даврини бошимиздан ўтказдик. Дунёвий радикализм ҳам диний радикализмга шаклан ўхшамаса-да, моҳиятан бир хил эди. Ботинтириклик билан маънан боғланмай, аксинча жоҳиллик-мавҳумликка суянади. Пайғамбар (С.А.В) чизган чизик ботин эди -тавҳид дараҳти эди. Орада жадидлар худди шу йўлдан юриб бошлашди, мамлакатимиз қисқа вақт ичида тараққий этиб кетди, ўшанда. Бу ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Европа мамлакатлари Ўрта йўлни танлагани учун ҳам фикр тараққиётида олдинга ўтиб кетишди. Собик СССР эса дунёвийликни -тоталитаризм йўлидан боргани учун касодга учради.

Ҳозир мамлакатимиз залолат аҳволида. Жамият онггида фикрнинг ҳеч қандай босқичи йўқ. Жамият ичида зиёли қатлам ичида автоном тарзда фикр тараққиёти бор, албатта. Бу ўрта йўл эгалари СССР даврида бор ва озчилик эди. Қайта куриш вақти улар кўпайди. Мустақилликнинг илк даврида биринчи бўлиб улар (Эрк партияси мисолида) таъкибга ҳам учрашди. 90 -йилгача шакланган демократик институтлар, жамиятдаги шаффофлик заволга учратилди. Натижада жамиятни бўшлиқ қоплади, диний радикализм ўртага чиқди. (99 йилги воқеаларни, албатта, ҳеч ким унутгани йўқ.)

Иккинчи жаҳон урушидан кейин янги ташкил топган Исроил давлати ўрта йўлни (демократик институтлар, шаффофлик) танлагани учун ҳам ривожланиб кетди. Ёнидаги ислом мамлакатлари эса ўрта йўлни танладик деб сохталик килдилар, сўнг жамиятда (ботин ўрнига) бўшлиқ пайдо бўлди. Натижада геополитик зилзила содир бўлди: (Чунки ҳар қандай бўшлиқ тириклик билан тўлдирилмаса зилзила бўлади, бу қонуният.) Чизикнинг икки тарафидигилар- дунёвийлар ва мутаассиблар ўртасида уруш кетаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Прагматик Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги ҳукуматнинг позитив руҳда ишлаётгани, албатта, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай

кишини қувонтиради. Жумладан, мамлакатдаги ўрта йўлга мансуб зиёли қатлам ҳам залолатдан фикр тараққиёти даврига ўтиш мамлакат учун долзарб эканини англаб турибди. Ўзбек тафаккурида Ўрта йўл концепсияси асрлар бўйи шакланган. Аждодларимиз илмий, бадий тафаккурини шу концепт шаклланиши учун хизмат қилдиришган. Миллат қалбида бу концепт музлаб ётибди.

Биз залолатдан-деградасиядан Ўрта йўлга (конституция ҳақиқаттан ишлайдиган) чиндан, табиий равишда (сохта эмас) қадам қўймас эканмиз, терроризм ва диний мутаассибликнинг янгида янги формаларига дуч келаверамиз. (Бюджет тараққиётга, маърифатга эмас ўзимизни ўзимиздан ҳимоя этишга сарфланаверади: жамият коинот органикасига билан уйғунлашмай, залолатнинг чексиз тубига чўкаверади.) Жамият онгги эса бўшлиқ-мавҳумлик билан тўлиб бораверади. Бўшлиқ юзага келган жойда эса зилзила юз беради. Ўзбекистон фикр тараққиётига юзлансагина атрофдаги мамлакатлар ҳам йўлни кўриб бошлашади. Жумладан, Афғон жамияти ҳам ҳушига келиб бошлайди. ИншАллох, у ерда тинчлик юзага қалқиб чиқади.

Мақола эскиз, штрих шаклида ёзилди, ўқиган киши фикрни ўзида шакллантиради деган умиддаман.

**Бойсунқур
Ваган**

Кийимсиз одамнинг хушнудлиги

Ижтимоий сўров натижаларида Ўзбекистон ватандошлари дунёдаги энг бахтиёр қавм сифатида қайд қилинади.

Кўплар бунга шубҳа қилади. Газ йўқ, чироқ йўқ, сал гапга қамалиб кетадиган мамлакат ватандошлари бахтиёр бўлиши мумкин эмас дейишади.

Мен ўша ўша сўров н а т и ж а л а р и н и н г ҳақиқийлигига ишонаман.

1988 йили др. Якоб Таубе ўзбек эртақларини немисчага таржима қилиб Германияда китоб чиқарди.

Бу китобга расм чизиш

вазифаси менга юкланди. Аснода ўнлаб эртақ китобларини ўқиб чиқдим.

Эртақлардан бири бахтли одам ҳақида эди....

Қадим замонда бир подшоҳнинг боласи тузалмас касалга чалинибди.

Табиблар боланинг дардига узоқ вақт дармон топиша олмабди.

Алал-оқибат бир табиб "Бу бола бахтли одамнинг чопонини кийсагина тузалади" деб диагноз қўйибди.

Шотирлар бутун мамлакатни кезиб битта ҳам бахтли одам топа олмагач,

подшоҳнинг ўзи оддий кийиниб, кўчама-кўча кеза бошлабди.

Подшоҳ юриб-юриб шаҳар чеккасидаги қийшайиб турган бир вайрона уй олдига бориб қолибди. Ичкаридан нон кавшаётган одамнинг "Вой қандай бахтиёрман!" деган саси келибди.

Подшоҳ саройига қайтиб вайрона уйга шотирларини юбориб, "тез ўша бахтиёр кишининг кийимини келтиринг" деб буюрибди.

Шотирлар бориб вайрона ичига киришса бахтиёр одамнинг кийими йўқ экан

Шухрат Бобожон
Манба: babajanovs.blogspot.com

**("Бола бахши портрети"
дунё санъатшунослари
назарига тушган асар.)**

Ўзбек рассомлари Вячеслав Охунов ва Шухрат Бобожоновларнинг 30 га яқин суратлари тақдирдан хавотир пайдо бўлган.

Вячеслав Охунов ва Шухрат Бобожоновнинг Урганч Суратлар галереяси фондидан ўрин олган асарларини йўқ қилишга қарор қилинган, дея хабар тарқатди галереянинг собиқ бош муҳофиз Ширин Тошева ўзининг Фейсбукдаги саҳифасида.

Бундан олдин Ўзбекистон Маданият ва Спорт вазирлигидаги исми айтилишини истамаган мулозим бу ҳақда рассомлардан бирига маълум қилган.

Ширин Тошеванинг Би-би-сига айтишича, ноябр ойида Урганч Суратлар галереясида Ўзбекистон МХХси, Прокуратура, Ўзбекистон Маданият ва Спорт вазирлиги, Хоразм вилоят Маданият ва Спорт бoшқармаси ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари иштирокидаги комиссия текшириш ўтказган.

Текширув ортидан галерея бош муҳофиз Ширин Тошева ишдан бўшатишган. Тошеванинг қўл телефонидаги кейинги икки йилдаги сўзлашув ва ёзишмалар МХХ махсус бўлими тарафидан текширилган.

Комиссия Урганч галереясида сақланаётган рассом Вячеслав Охуновнинг 10 га яқин, рассом ва журналист Шухрат Бобожоновнинг 20 га яқин рангтасвир асарларини йўқ қилиш керак, деган қарорга келди, дейди Ширин Тошева.

"Сиз ўша қарор матнини кўрдингизми", деган саволга Ширин Тошева, ўзини ишдан бўшатишгани учун қарор билан танишиш имкони бўлмаганини айтди.

Маълум бўлишича, Урганч галереясидаги сўнги текшириш пайтида бундан 15 йилча олдин ҳақиқий ҳайкал сохтасига алмаштириб қўйилгани ҳам аниқлаган.

Би-би-си Урганч Суратлар галереяси директори Маримбой Отамуродов билан боғланди.



Урганч галереясидаги суратлар йўқ қилинадими?

Маримбой Отамуродов галереяда текширув ўтказилганини тасдиқлади.

"Бироқ бу ҳар доимги инвентаризация текширувларидан бири эди", деди галерея директори.

Маримбой Отамуродов суратларни йўқ қилишга қарор қилингани ҳақидаги хабарни "бўлмаган гап" деди.

"Агар бирор суратни кўргазмадан олиб қўйишга қарор қилинса, у галереянинг сақлаш хонасида сақланаверади", деди Маримбой Отамуродов.

68 ёшли Вячеслав Охуновнинг "Мони" ва 53 яшар Шухрат Бобожоновнинг "Бола бахши портрети" каби асарлари Урганч галереясида сақланган ва дунё санъатшуносларининг эътиборига тушган.

Бу асарлар 1984 йилдан 1988 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ҳузридаги Давлат эксперт комиссияси хулосасига асосан Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ажратган пулга сотиб олинган.

Шунингдек, бу икки рассом асарлари Ўзбекистон Бадий кўргазмалар фондида, Ўзбекистон Давлат санъат музейи ва Ўзбекистон Миллий банки галереясида ҳам мавжуд.

Одатда музейдаги расм яроқсиз аҳволга тушса ва уни реставрация қилишни 100 фоиз имкони бўлмаса махсус комиссия хулосасига кўра хазина ҳисобидан чиқариб йўқ қилиниши мумкин.

Нега айнан бу икки рассом?

Бу рассомлар сиёсий фаоллиги билан ажралиб туради.

этиборини рассомнинг сиёсий репрессия қилинганига қаратган.

Вячеслав Охуновнинг муҳожиратдаги муҳолифат арбоби Муҳаммад Солиҳ билан чет эл сафарлари пайтида учрашгани Ўзбек расмийлари тарафидан ёмон кутиб олинган.

Бунинг ортидан Вячеслав

Охуновга 2011 йилдан буён Ўзбекистондан хорижга чиқишга рухсат берилмаяпти.

Урганч Суратлар галереясида қўйилган Шухрат Бобожоновнинг асарлари остида унинг исми-шарифи ёзилмаган, суратлар номаълум рассом суратларидек намоиш этиб келинган.

Би-би-си билан суҳбатда Вячеслав Охунов ўз суратларининг Урганч галереясида олиб ташланишидан беҳабарлигини айтди.

"1937 йили Германияда ҳокимият тепасига келган фашистлар ҳам комиссиялар тузишган. Бу комиссияларнинг вазифаси, улар ўзларининг таъбирича, "дегенератив" санъат" асарлари намуналарини излаб топиш бўлган. Модернизм оқимида ижод қилган ижодкорларнинг асарларини йўқ қилишга буйруқ берилган. Айтмоқчиманки, бу янгилик эмас. Агар бундай нарса Ўзбекистонда такрорланаётган бўлса, бу жиддий симптом. Агар менинг асарларимни хоҳламаётган бўлсалар, нега менинг суратларимни йўқ қилишди?

Ҳозир менинг суратларим Оврўпода 100000 Еврога баҳолянапти. Суратни исташмаса, муаллифига беришсин. Ёки Ғарбга сотишсин. Санъат асарини йўқ қилиш - ёввойилик, ваҳшийлик. Бу "Ислоний Давлат"нинг Суриядаги асарлар, музей экспонатларини йўқ қилаётганига тенг амал", деди Вячеслав Охунов.

Замонавий Ўзбекистонда рассом Баҳодир Жалоловнинг Тарих музейи ва "Баҳор" ансамбли деворларидаги расмлари ҳукумат буйруғи билан нобуд қилинган эди.

Бундан ташқари, Урганчдаги Оғаҳий театри деворидаги рассом Виктор Ган ишлаган уникал фреска ҳам маҳаллий мулозимлар тарафидан ўчириб ташланган.

Манба: bbc.com/uzbek



Ш у х р а т
Б о б о ж о н о в
2001 йилда
Ўзбекистон Бадий
академиясида
сиёсий сабаб
билан ҳайдаб
юборилганида
Вячеслав Охунов бу
ҳайдалиш ҳақида
"инсталляция"
ташқил қилиб
жамоатчилик

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов